



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 13 » апрель

№ ПК–136

Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш, замонавий логистика инфраструктурасига эга миллий электрон тижорат маконини шакллантириш, иқтисодиётда хуфиёна айланма улушини камайтириш ҳамда бозор иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

(а) **2026–2030 йилларда:**

- (i) электрон тижорат айланмасини **30 трлн сўмга** етказиш;
- (ii) **7,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини** яратиш;
- (iii) умумий қиймати **300 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi **инвестиция** лойиҳаларини амалга ошириш;

(б) айрим турдаги товарларни импорт қилишда ягона божхона тўловини жорий этиш орқали ташқи савдо операцияларини тартибга солиш.

II. Бонд омбори фаолиятини ташкил этиш

2. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Божхона қўмитасининг **2026 йил 1 июлдан 2028 йил 1 июлга қадар ҳуқуқий эксперимент** (кейинги ўринларда – эксперимент) **тариқасида** резидентлар ва норезидентлар томонидан жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарларни махсус электрон савдо платформалари орқали чакана сотиш учун уларни вақтинча сақлашга мўлжалланган янги турдаги эркин омбор – **бонд омбори фаолиятини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

- 3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:**
- (а) бонд омбори** эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тартиби асосида ташкил этилади;
 - (б) бонд омборидан** товарларни сотиш Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан юритиладиган **Махсус электрон савдо платформалари реестрига** киритилган махсус электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади;
 - (в) бонд омборига** товарлар **эркин омбор** божхона режимига мувофиқ жойлаштирилади ҳамда ушбу товарларни жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжи учун чакана сотишга рухсат берилади;
 - (г) бонд омборидан** жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжи учун сотиладиган товарлар **жўнатмалар декларацияси асосида** божхона расмийлаштирувидан ўтказилади;
 - (д) бонд омборига** жойлаштирилган товарларни жўнатмалар декларацияси асосида жисмоний шахсларга чиқаришда **мувофиқликни баҳолаш, санитария ва ветеринария назорати** чоралари **қўлланмайди**. Бунда товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва ветеринария соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича жавобгарлик **бонд омборлари операторлари зиммасига юкланади**;
 - (ж) Ўзбекистон Республикаси** резидентлари томонидан товарлар бонд омборига жойлаштирилганда активларни репатриация қилиш талаби бажарилган деб ҳисобланади;
 - (з) республика ҳудудидан бонд омборига** махсус электрон савдо платформалари орқали чакана сотиш учун мўлжалланган товарларни жойлаштиришга рухсат этилмайди (бундан республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун мўлжалланган товарлар мустасно).
- 4. Белгилансинки, бонд омборларидан** товарларни махсус электрон савдо платформалари орқали жисмоний шахсларга сотишда:
- (а) 1-иловада** келтирилган товарлар жўнатмалар декларацияси асосида жисмоний шахсларга чиқарилганда **божсиз олиб кириш нормалари татбиқ этилмаган ҳолда** амалдаги божхона тўловлари ўрнига уларнинг сотиш қийматидан **5 фоиз миқдорида ягона божхона тўлови** ундирилади;

- (б) **2-иловада** келтирилган товарлар жўнатмалар декларацияси асосида жисмоний шахсларга чиқарилганда **божсиз олиб кириш нормалари татбиқ этилмаган ҳолда** уларнинг сотиш қийматидан **қўшилган қиймат солиғи ва 3 фоиз миқдорида божхона божи** ундирилади;
 - (в) **1- ва 2-иловада** келтирилган товарларни сотиш вақтида уларнинг сотиш қиймати декларациялаш вақтидаги божхона қийматидан паст бўлганда, ягона божхона тўлови ёки божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи **божхона қиймати миқдоридан келиб чиққан ҳолда** ҳисобланади;
 - (г) **1- ва 2-иловага** мувофиқ рўйхатларга киритилмаган **бошқа турдаги товарлар** жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжи учун сотилганда, товарларнинг божсиз олиб кириш нормаси қўлланмаган ҳолда **амалдаги умумбелгиланган божхона тўловлари** ундирилади;
 - (д) бонд омборларига олиб кирилган товарларни реализация қилишдан тушган тушумларнинг ҳисоби бошқа фаолият турларидан **алоҳида юритилади**;
 - (ж) **1- ва 2-иловаларда** келтирилган товарларни республика ҳудудида жисмоний шахсларга реализация қилиш бўйича айланма **қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади**;
 - (з) бонд омборига олиб кирилиб, республика ҳудудида жисмоний шахсларга чакана сотилган товарлар бўйича харидор томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси уларни бюджетга ўтказиб берувчи шахсда ҳисобга олинмайди.
- 5. Божхона қўмитаси Солиқ қўмитаси, бонд омбори ва махсус электрон савдо платформаси операторлари билан биргаликда ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали:**
- (а) жисмоний шахсларга сотилган товарларнинг кейинчалик қайта сотилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида уларнинг айланмаси устидан доимий мониторингни амалга ошириб борсин;
 - (б) товарларни тижорат мақсадларида қайта сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, божхона тўловларини умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилиб, ундирилишини таъминласин.
- 6. Бонд омбори ҳудудида божхона назоратини амалга ошириш мақсадида Божхона қўмитаси раисига божхона органлари ходимларининг умумий чекланган штат бирликларидан ташқари юридик шахслар билан шартнома тузган ҳолда қўшимча офицер ва сержантлар таркиби штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин. Бунда қўшимча киритилган штат бирликларидаги ходимларга:**

- (а) божхона органлари ходимлари учун қонунчиликда назарда тутилган пул ва озиқ-овқат таъминоти, компенсациялар, ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий рағбатлантириш тўловлари ҳамда ушбу тўловлар билан боғлиқ солиқлар, шунингдек, формали кийим-бош билан боғлиқ харажатлар шартнома тузилган юридик шахслар томонидан қопланади;
 - (б) ижтимоий ҳимоя чоралари амалдаги қонунчиликка мувофиқ божхона органлари ходимлари учун назарда тутилган тартибда қўлланади;
 - (в) пенсия таъминоти Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
7. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда дорихона ва дорихоналар тармоқларида** электрон савдо платформалари **орқали онлайн савдони йўлга қўйиш** бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:
- (а) ҳар бир дорихонада онлайн буюртмаларни тарқатиш пункти бўлиши;
 - (б) курьерлик хизмати (махсус ҳароратни талаб қилувчи дориларни термоконтейнерда ташиш, дори ўрамини очишни тақиқлаш) учун аниқ талабларни ишлаб чиқиш назарда тутилсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Божхона қўмитаси ва Солиқ қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда бонд омборлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан биргаликда **2028 йил 1 июнга қадар** эксперимент натижалари асосида мазкур қарорда назарда тутилган тартибни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

- 11.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов, Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли белгилансин.
- 12.** Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Махсус электрон савдо платформалари орқали реализация қилишда
5 фоиз миқдорида ягона божхона тўлови тўланиши
белгиланган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	8508 товар позициясидаги чангютгичлардан ташқари электр двигатель ўрнатилган маиший электромеханик машиналар (миксер, шарбат чиқаргич ва бошқалар)	8509400000, 8509800000
2.	Электр иситкичли ва электротермик мосламалар (сочларни қуритиш ускунаси, электр чойнақлар, мультипиширгичлар, электрдазмол ва бошқалар)	8516310001, 8516310009, 8516320000, 8516797000, 8516400000
3.	Смартфонлар	8517130000
4.	Ноутбук ва планшетлар	8471300000
5.	Корпусга ўрнатилган ёки ўрнатилмаган радиокарнайлар; овозни такрорловчи бошқа ускуналар	8518210000, 8518220000, 8519814500

**Махсус электрон савдо платформалари орқали реализация қилишда
қўшилган қиймат солиғи ва 3 фоиз миқдорида божхона божи
тўланиши белгиланган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блайзерлар, шимлар, лямкали ва кўкракка тақиладиган қисмли комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари)	6103
2.	Аёллар ёки қизлар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан костюмлар, комплектлар, жакетлар, блайзерлар, кўйлақлар, юбкалар, юбка-шимлар, шимлар, кўкракка тақиладиган қисмли ва лямкали комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари)	6104
3.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан кўйлақлар	6105
4.	Аёллар ёки қизлар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан блузкалар, блузлар ва блузонлар	6106
5.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан кальсонлар, трусилар, тунги кўйлақлар, пижамалар, чўмилиш халатлари, уй халатлари ва шу каби буюмлар	6107
6.	Аёллар ёки қизлар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан ички кийимлар, ички юбкалар, трусилар, панталонлар, тунги кўйлақлар, пижамалар, пеньюарлар, чўмилиш халатлари, уй халатлари ва шу каби буюмлар	6108
7.	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан энгли фуфайкалар ва бошқа ичдан кийиладиган фуфайкалар	6109
8.	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан свитерлар, пуловерлар, кардиганлар, жилетлар ва шу каби буюмлар	6110

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
9.	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан спорт, чанғи ва чўмилиш костюмлари	6112
10.	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолардан бошқа кийим-кечак предметлари	6114
11.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун пальтолар, калта пальтолар, накидкалар, плашлар, курткалар (шу жумладан, чанғи курткалари), ветровкалар, штормовкалар ва шу каби буюмлар (6203 товар позициядаги буюмлардан ташқари)	6201
12.	Аёллар ёки қизлар учун пальтолар, калта пальтолар, накидкалар, плашлар, курткалар (шу жумладан, чанғи курткалари), ветровкалар, штормовкалар ва шу каби буюмлар (6204 товар позициядаги буюмлардан ташқари)	6202
13.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блайзерлар, шимлар, лямкали ва кўкракка тақиладиган қисмли комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари)	6203
14.	Аёллар ёки қизлар учун костюмлар, комплектлар, жакетлар, блайзерлар, кўйлақлар, юбкалар, юбка-шимлар, шимлар, кўкракка тақиладиган қисмли ва лямкали комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари)	6204
15.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун кўйлақлар	6205
16.	Аёллар ёки қизлар учун блузкалар, блузалар ва блузонлар	6206
17.	Болалар кийими ва болалар кийимлари учун жиҳозлар	6209
18.	Спорт, чанғи ва чўмилиш костюмлари; бошқа кийим-кечак предметлари	6211
19.	Таг ва устки қисми резина ёки пластмасса бўлган бошқа пойабзал	6402
20.	Таглиги резина, пластмасса, чарм ёки композицион чармдан ва устки қисми табиий чармдан бўлган пойабзал	6403
21.	Таглиги каучук, пластмасса, чарм ёки композицион чармдан ва устки қисми тўқимачилик материалдан бўлган пойабзал	6404
22.	Бошқа пойабзал	6405
23.	Бир корпусда хотира қурилмаларини ўз ичига олган ёки олмаган киритиш ёки чиқариш қурилмалари	8471606000, 8471607000

T/p	Товар номи	ТИФ ТН коди
24.	Статик конверторлар, электр литий-ионли аккумуляторлар (қувватлагич) ҳамда кучланиши 1000 В дан ошмайдиган бошқа электр ўтказгичлар	850440, 850760, 854442, 854449
25.	Фонарлар	8513100000
26.	Овоз, тасвир ёки бошқа маълумотларни ўзгартириш, узатиш, қабул қилиш ёки тиклаш учун асбоблар, шу жумладан, коммутация қурилмалари ва маршрутизаторлари	851762000
27.	Микрофон билан қўшилган ёки қўшилмаган, шунингдек, микрофон ва бир ёки бир нечта динамиклар тўпламларидан иборат қулоқчинлар ва телефонлар	8518302000, 8518309500
28.	Монитор ва проекторлар (телевизорлардан ташқари)	8528
29.	Барча турдаги соатлар	9101 – 9108
30.	Видеоўйинлар учун консол ва ускуналар; овоз ёки тасвирни ёзиб олувчи ёки такрорловчи телевизион қабул қилувчи аппаратлар	9504500001, 9504500002, 9504500009

Изоҳ: Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Глобал бренд маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган халқаро бренд ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро бренд товарлари реестрига киритилган чет эл товарларини бонд омборига жойлаштириш ва махсус электрон савдо платформалари орқали реализация қилиш тақиқланади.

